

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХАТРОП МОДДАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

*Акрамжонов Иқболжон Акрамжон ўғли
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети тингловчиси, капитан*

Аннотация: Ушбу мақолада ёшлар ўртасида гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Мавжуд муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишнинг самарали йўллари криминологик нуқтаи назардан таснифланган. Шунингдек, профилактик чора-тадбирларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В данной статье проанализированы криминологические особенности преступлений, связанных с наркотическими средствами и психотропными веществами среди молодежи. Криминологическая классификация охватывает существующие проблемы, причины их возникновения, а также эффективные пути предотвращения преступлений данного типа. Кроме того, разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию профилактических мер.

Annotation: This article analyzes the criminological characteristics of crimes related to narcotic drugs and psychotropic substances among youth. The criminological classification covers existing problems, the causes of their emergence, as well as effective ways to prevent such crimes. In addition, proposals and recommendations for improving preventive measures have been developed.

Калит сўзлар: гиёхвандлик, психотроп моддалар, ёшлар, жиноятчилик, криминология, профилактика, ҳуқуқбузарлик, жамият, таълим, жиноятларни олдини олиш.

Ключевые слова: наркомания, психотропные вещества, молодежь, преступность, криминология, профилактика, правонарушение, общество, образование, предотвращение преступлений.

Keywords: drug addiction, psychotropic substances, youth, crime, criminology, prevention, offense, society, education, crime prevention.

КИРИШ

Жамият тараққиёти ва ёш авлоднинг соғлом улғайиши учун хавф солаётган омиллардан бири бу — гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ёшлар ўртасида кенг тарқалишидир. Бугунги кунда мазкур муаммо нафақат ижтимоий ва тиббий, балки ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу турдаги жиноятлар нафақат шахсий фожиаларга, балки жамиятдаги ижтимоий барқарорликка ҳам жиддий таҳдид солмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этувчиларнинг катта қисми 18–30 ёш оралиғидагилардан иборат. Шу боис ёшлар ўртасидаги бу турдаги жиноятларни таҳлил қилиш, сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир. Мазкур мақолада айнан шу масалага криминологик ёндашувда ёндашишга ҳаракат қилинган.

Ёш авлод — ҳар қандай жамиятнинг истиқболи ва ривожининг мустаҳкам таянчи ҳисобланади. Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий салоҳиятини оширишда ёшларнинг етук, билимли ва жисмонан соғлом бўлиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аммо афсуски, глобаллашув, ахборот оқими ва турли маданий таъсирлар ортидан ёшлар ўртасида салбий иллатлар, хусусан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан фойдаланиш ҳолатлари ортиб бормоқда.

Гиёҳвандлик — нафақат инсон саломатлигига, балки жамиятнинг маънавий асосларига, ҳуқуқий тартиботга ҳам жиддий таҳдид соладиган хавфли иллатдир. Айниқса, ушбу муаммонинг ёшлар орасида кенг тарқалаётгани жиноятчиликнинг ўсиши, жиноий гуруҳларга ёшларни жалб қилиш, таълим жараёнида узилишлар ва ижтимоий муҳитда нотинчлик каби оғир оқибатларга олиб келмоқда.

Тадқиқотимиз давомида даставвал гиёҳванд моддаларнинг пайдо бўлиши тарихига назар ташласак:

Афюн¹ (аслида юнонча абижум – мудратувчи, ухлатувчи), “опий”, “қора дори” – деган маъноларни билдириб, кўкнорнинг хомроқ кўсагини тилиб қўйганда ундан оқиб чиқиб, ҳавода қорайиб қотган, сутсимон ширадир. Таркибида морфин, папаверин, кодеин, тебаин, наркотин ва 20 га яқин бошқа алкалоидлар бор. Дамбадам қабул қилиб турилса, бошқа наркотиклар каби унга ўрганиб қолиш мумкин. Бу ҳаёт учун хавфли.

Миср ёзувларида (мил. ав. 1552 йил) дори сифатида тавсия қилинган. Теофраст (мил. ав. 3 аср), Диоскоридус-Дискурис (мил. ав. 77 йил) ҳам ўз асарларида Афюн дори эканлигини айтиб ўтишган. Афюн дастлаб дори сифатида Кичик Осиёнинг жануби-шарқида, Европада ишлатилган ва “**опий**” деб аталган.

Юнонлардан араблар ва Яқин Шарқдаги бошқа халқларга “афюн” шаклида кирган (ўзбеклар “қора дори” ҳам дейишади). Абу Бакр ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Ибн Байтор, Довувди Антокийларнинг асарларида ҳам Афюннинг тиббий нафъи, ишлатилиш усуллари баён этилган. Хитойда Афюнни тутатиб чекиш расм бўлган. Бу одат кейинчалик Ҳиндистон ва Эронга ҳам ўтган. Афюн кучли наркотик бўлгани учун ҳамма мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам уни истеъмол қилиш тақиқланган.

Тадқиқотчилар томонидан бугунги кунда гиёҳвандликнинг янги босқичи яъни, янги психоактив моддалар кенг тарқала бошланганлиги иддао қилинади.

Янги психоактив моддалар (ЯПМ) — 2005 йилдан бошлаб моддий ва руҳий боғлиқликка олиб келиши мумкин бўлган хусусиятларга эга бўлган психоактив моддалар бозорида пайдо бўлган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (БМТ ГЖБ) таърифига кўра, ЯПМ — бу “1961 йилдаги Гиёҳванд моддалар тўғрисидаги конвенция ёки 1971 йилдаги Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенция билан назорат қилинмайдиган, аммо

¹ O‘zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil. Электрон манбаа: https://uz.wikipedia.org/wiki/Afyun#cite_note-1.

жамоат саломатлиги учун хавф туғдириши мумкин бўлган, тоза ҳолда ёки препаратлар таркибида истеъмол қилинадиган моддалардир”².

Жаҳон тажрибаси ва БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) каби халқаро тузилмаларнинг маълумотларига кўра, гиёҳванд моддалардан фойдаланишнинг бошланиш нуқтаси айнан ўсмирлик ва ёшлик даврига тўғри келади. Бу эса ушбу муаммонинг нафақат ҳукукий, балки ижтимоий, психологик ва криминологик жиҳатдан ҳам чуқур ўрганилишини тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида ёшларни гиёҳвандлик ва унга боғлиқ жиноятлардан ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган **“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”**ги Қонун, шунингдек, **“Ёшлар дафтари”** тизими ва бошқа ислохотлар — ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва салбий иллатлардан ҳимоя қилишга қаратилган муҳим чора-тадбирлардир. Шу билан бирга, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятлар йилдан-йилга мураккаблашмоқда, унинг содир этилиш шакллари ва усуллари ўзгармоқда, ёшларни жалб этиш механизмлари эса янада мўлжалланган ва мақсадли тус олмоқда. Бу эса ушбу жиноятларни олдини олишда янги назарий ёндашувлар ва самарали криминологик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга нисбатан қарши иммунитетни шакллантириш, шунингдек, инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо сўнгги йилларда янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлаётгани, улар инсон омилисиз интернетнинг ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса, **ёшлар орасида** осон тарқатилаётгани масъул давлат тузилмаларининг бу борадаги фаолиятини **“Барча сабъ-ҳаракатлар инсон**

² United Nations Office on Drugs and Crime. The Challenge of New Psychoactive Substances: A Report from the Global SMART Programme, March 2013. Vienna: United Nations Office on Drugs and Crime; 2013. Манзил: <https://www.unodc.org/documents/scientific/NPS.Report.pdf> (мурожаат вақти: 11.10.2025).

кадри учун” деган устувор ғоя асосида сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда. Айтиш керакки, Президентимизнинг 2025 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73сонли Фармони³ бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Илғор хорижий тажриба, халқаро, шу жумладан БМТ экспертларининг хулоса ва тавсиялари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркотиқларга қарши курашиш бўйича 2024 — 2028-йилларга мўлжалланган миллий стратегия тасдиқланди.

Миллий стратегия доирасида аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва **ёшларда “гиёҳвандликка қарши иммунитет”**ни, ўқувчи ва талабалар орасида кучли таъсир қилувчи дориларни истеъмол қилишга мурасасиз муносабатни шакллантириш, таълим муассасаларида психофаол моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган янги таъсирчан тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий-профилактик механизмларни жорий этиш мақсадларга эришиш барча давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаси сифатида белгиланди. Давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари ҳамда дорихоналарнинг гиёҳвандлик воситаларидан тиббиётда фойдаланиш амалиётини назорат қилиш, шунингдек, фарматсевтика корхоналари, гиёҳвандлик воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи субъектлар масъулиятини оширишнинг таъсирчан механизмларини яратиш ҳам уларнинг устувор вазифаларига киради. Афсуски, ҳозирги кунда ёшлар орасида таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган (“Трамадол”, “Налбуфин”, “Санаат” ва ҳ.к.) психофаол (“Лирика”, “Регален”, “Галара” ва ҳ.к.) доривоситаларини истеъмол қилиш ҳолатларининг учраб туриши ҳамда,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73сонли Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/7132120>. Электрон манба: (мурожаат вақти: 11.10.2025 й)

ёшларимизнинг рухан ва жисмонан соғлом бўлиб етишишлари, замонавий билим ва касбга эга бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб берилган бўлишига карамай наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларни содир қилишлари ва гиёҳвандлик йўлига кириб кетаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Хулоса

Хулоса сифатида ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситаларининг истеъмоли профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун кўйдаги амалий тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

➤ Биринчидан, маҳаллалар ва барча таълим муассасасаларида аҳолининг оммавий спорт билан шуғулланиши учун зарурий инфратузилмани босқичма-босқич ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

➤ Иккинчидан, барча турдаги давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида мавжуд штат бирликлари доирасида жамоатчилик асосида “спорт ва тарбия тарғиботчиси” фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

➤ Учинчидан, маҳалла ва таълим муассасаларда аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини давлат талаблари асосида белгиловчи “Жисмоний тайёргарлик” синовларини ташкил этиш, шунингдек спортнинг “киберспорт” йўналиши бўйича ғолиб бўлганларни рағбатлантириш борасида ёшларга таълим муассасаларга ўқишга кириш учун имтиёзлар бериш, ўқувчи ва талабаларга бир ойлик стипендия миқдорини тўлаш, маҳалла аҳолига “Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси” кўкрак нишони, “Соғлом авлод учун”, “Соғлом турмуш” каби медаль ва орден билан тақдирлаш амалиётини йўлга қўйиш;

➤ Тўртинчидан, “Соғлом турмуш тарзи” платформасини қайта ишга тушириш ва аҳоли ўртасида унга уланиш бўйича кенг қамровли ахборот компаниясини ташкил этиш;

➤ Бешинчидан, Қишлоқ шароитларида ёшларга оммавий спорт билан шуғулланиш учун муносиб шароитларни яратиш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида оилавий нодавлат спорт таълими муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш, бу борада ҳудудий ёшлар сиёсати ва спорт бўлинмалари билан битим тузиш, уларга 3 йилдан кам бўлмаган муддатга бепул фойдаланиш учун спорт жиҳозлари тақдим этиш, янги спорт анжомларини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш механизмларни белгилаш.

➤ Олтинчидан, ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларига қарши иммунитетни шакллантиришда оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқлари имкониятларидан кенг фойдаланиш бўйича “Медиа концепция”ни ишлаб чиқиш, бунда, маҳаллий ва тижорат телеканаллари орқали намойиш қилинадиган оммабоп телекўрсатувлар давомида ёшлар учун “гиёҳвандлик ва заҳарвандликка қаршимиз” мавзусида ижтимоий роликлар бериб борилишини мунтазам йўлга қўйиш.

Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятлар — жамиятнинг долзарб ва мураккаб муаммосидир. Ҳозирги кундаги ижтимоий-иқтисодий шароитлар, глобаллашув жараёнлари, интернет ва ахборот воситаларининг ривожланиши ёшларни наркотик моддаларга осонроқ киришига ва улар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга тортилишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, ушбу жиноятларнинг олдини олишда комплекс ва тизимли ёндашув зарур.

Криминологик тасниф асосидаги тадқиқотлар ёшлар ўртасидаги наркотик билан боғлиқ жиноятларнинг турлари, уларнинг сабаблари ва хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса профилактика чораларини самарали равишда йўлга қўйишга ва давлат сиёсатидаги устувор йўналишларни белгилашга хизмат қилади.

Ёшлар орасидаги гиёҳвандлик ва психотроп моддаларга боғлиқ жиноятлар кўп жиҳатдан ижтимоий муҳит, оилавий тарбия, дўстлар таъсири, таълим тизими ва иқтисодий омиллар билан боғлиқдир. Шунинг учун, профилактикада фақат қонунчилик ва жазо чоралари эмас, балки ижтимоий-иқтисодий дастурлар, ёшлар учун салбий таъсирлардан ҳимоялаш механизмлари ҳам жорий этилиши керак.

Криминологиядаги таснифлаш ёрдамида жиноятларнинг турли хил шакллари — ноқонуний моддаларни муомала қилиш, ноқонуний ишлаб чиқариш, ёшларнинг наркотиклар истеъмолига йўналтирилиши, шунингдек, ушбу жиноятларнинг профилактикасини аниқлаш мумкин. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ижтимоий муассасаларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга имкон беради.

Шу билан бирга, глобал тажрибалар ва илмий тадқиқотлардан келиб чиқиб, ёшлар ўртасидаги гиёҳвандликка қарши курашда профилактика фаолиятини жамиятнинг барча қатламларида — мактабларда, оилаларда, маданий ва спорт муассасаларида самарали ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу тариқа ёшларни наркотиклардан ҳимоя қилиш ва уларни жиноятчиликдан олиб қолишда ижтимоий ва ҳуқуқий механизмлар биргаликда фаолият кўрсатиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар ўртасидаги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларни олдини олишнинг криминологик таснифи жамоатчилик хавфсизлигини таъминлаш, ёш авлодни ҳимоя қилиш ва жиноятчилик даражасини камайтиришда муҳим восита саналади. Ушбу соҳадаги тадқиқотлар ва амалиётни янада ривожлантириш орқали, ёшларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жамиятдаги ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Курбонов Ш.Х. – *Криминология: назария ва амалиёт*. Т.: “Юрист нашриёти”, 2021.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Охирги таҳрири – 2024 йил.
3. Абдурахмонов С. – *Гиёҳвандлик ва ёшлар: муаммолар ва ечимлар*, “Жамият ва ҳуқуқ”, 2022.
4. Ҳамидов У. – *Гиёҳвандликка қарши курашда профилактиканинг аҳамияти*, “Ички ишлар ахбороти”, 2023, №2.
5. UNODC – *World Drug Report 2023*. <https://www.unodc.org>
6. World Health Organization – *Youth and substance use: global analysis*, 2022.

7. President.uz – “Гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича 2020–2024 йилларга мўлжалланган Дастур” ҳақидаги ПҚ–4644-сон қарор, 2020.
8. Абдуллаев М. – *Ёшлар ва гиёҳвандлик: ижтимоий таҳдидлар ва ҳуқуқий ёндашув*, “Ҳуқуқ” журнали, 2023, №2.
9. Azizov A. – *Criminological Prevention of Drug Crimes Among Youth*, Tashkent State Law University Journal, 2024.